

Брифинг: 2020/2021 ўқув йили қабулига бағишланади



12:00 / 04.06.2020 2772

Бу йилги қабул жараёнлари қандай ташкил этилиши борасидаги саволлар барчани қизиқтирмақда. “Қабул-2020”нинг бошланишига ҳам 11 кун қолди. Шу муносабат билан бугун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бехзод Мусаев брифинг ўтказиб саволларга жавоб беради. Бу ҳақда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хабар берди.

2020 йил 4 июнь куни соат 13:00да Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бехзод Мусаев раҳбарлигида 2020/2021 ўқув йили қабул жараёнини ташкил этиш юзасидан долзарб вазифаларга бағишланган брифинг бўлиб ўтади.

Онлайн брифингда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов, Давлат тест маркази директори Маджит Каримов, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, бир гуруҳ олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади.

Тадбирда 2020/2021 ўқув йили қабул жараёнини ташкил этиш, қабул параметрлари ҳамда кириш тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ барча саволларга атрофлича жавоб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Мусаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, халқ таълими вазири Ш.Шерматов Фарғона давлат университети студиясидан қатнашадилар. Қолган мутасадди раҳбарлар Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилган аудиториядан иштирок этадилар.

Тадбирга мавзу юзасидан қизиққан барча оммавий ахборот воситалари вакиллари Тошкент давлат иқтисодиёт университетига таклиф этилади.

Маълумот учун: Фарҳад Бабашев – Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари, (90) 319-76-70

Эслатма: Брифинг иштирокчиларидан карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш, тиббий ниқоб тақиш ва ижтимоий масофани сақлаш сўралади.